

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 182 (4173) | ШАНБА 13 сентябрь 1969 йил | Баҳоси 2 тийин.

ТЕРИМГА ШАЙМИЗ

Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йули» колхозини меҳнат-кашлари бу йил 1410 гектар ерда барча уруғи қадаб, гектардан 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар.

Хозирги кунга ҳамма бир юн. бир тан сулиб, она-Ватан хирмонида 4800 тонна дурдона ҳади етиш ва ҳоҳиймиз В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилипти. Колхоз коммунистлари бу курашнинг олдинги сафларида бор-моқдалар.

Коммунистлардан ўн киши пахтачилик звеноларига, олти киши бригадаларга бошчилик қилмоқда. Коммунист ўртоқ Гулом Хасанов бу йил аjoyиб ташаббус билан чиқди. У ўз йигитлари билан Ўртабўз масис-видидаги камҳосилли ерлардан 123 гектарини ажратиб олиб, деҳқончилик қилипти. Азаматлар Ёрта баҳордан то шу кунгача кунини тунга улаб, меҳнат қилиб келмоқдалар. Улар ҳар гектар пахта майдонидан камда 30 центнердан ҳосил кўтаришга сўз беришган, ахир.

Шу кеча-қундузда бригада далаларида гўза парварини қизини давом эттирилмоқда. Ҳар туп гўзада 7—8 тадан кўсак бор. Айни пайтда улар пахта йиним-теримига ҳам пахта тайёрлашни куришмоқдалар. Бригада механизаторларидан Турдали Мохомбетов, Маҳмуд Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар ўзлари бошқариладиган ХТ—1.2 машиналарини барвақт ремонтдан чиқариб қўйишди. Бу йил улар барча ҳосилни фақат машиналар билан териб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Область Советининг депутати, коммунист-меҳнат ва тўр Шарофат Худойбердиева бош-лиқ бригада далаларида сер-ҳосил гўзалар ҳам қўшни қу-вонтиради. Аҳли коллектив 153 гектар майдондаги гўзаларга ҳозиргача икки томонлама беш марта комплекс ишлов берди. Меҳнатлари зор кетмади. Ҳо-зир ҳар туп гўзада 7 тадан бў-лиқ кўсак санам мумкин. Гу-лом Хасанов бошчи бригада аъзолари каби бу ипоқ коллек-тив ҳам етиштирилган мўл ҳо-силни фақат машиналар билан териб олишга бел болаган. Шу-нинг учун ҳам механизатор—завено бўлишлари А. Дўсбе-нов, Р. Исломов, бригада бо-шлиғи Ш. Худойбердиева ўртоқ-лар ўз «ангори кема»ларини ҳозирроқ мавсумга шай қилиб қўйишган.

Колхоз партия ташкилоти са-фига 86 коммунист биришган. Коммунистлар 8 та цех партия ташкилотига бўлиниб, ўз устак-чаларида аjoyиб гайрат ва та-шаббуслар кўрсатишмоқдалар. Ҳо-зирги кунда цех партия ташки-лотларида ҳисобот-саяйлов йи-чилишлари муваффақиятли давом этапти.

2-участка коммунистларининг йичилиши аjoyиб жонли ўтди. Коммунистлар партия ташкил-оти ишини қизини анализ қилиб бир қатор камчиликларини очиб

ташладилар. Жамоатчилик иши-га эътиборсизлик билан қара-ганлиги учун цех партия таш-килотини секретари Х. Бердику-лов бу йил коммунистлар эъти-боридан четда қилиб кетди. Унинг ўрнига актив жамоатчи, экономист Замон Абжамовни сайладилар.

Колхоз партия комитети ил-горлар ҳисобига партия сафи-ни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор билан қарайпти. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайни-да пешада пахтакорлардан тўрт киши КПСС аъзолигига кандидатликка ва учинчи устак-ка запаравачиси Пулчи Аҳме-дов КПСС аъзолигига қабул қилинди. Ёш коммунистлар ўз-ларига билдирилган бу юксак ишончни шараф билан оқламоқ-далар.

Партия топириги комму-нистлар активлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Қўшма коммунистлар партия топири-нини ўз вақтида пухта бака-риляпти, 12 сисий ахборотчи, 57 сисий ташкилотчи партия топириги билан омма ўртаси-да катта-катта сисий-тар-бияли ишлар олиб бормоқда. Замон Абжамов, Ўрни Қўза-боев, Ёшпўлат Мухамедов каби илгор коммунистлар 9—10 та-дан хонадон аъзоларини йил-ликлардан доимо хабардор қи-либ бормоқдалар, уларга катта ёрдам кўрсатишмоқдалар. Аҳмад-жон Доимов, Шерали Ёрма-тов каби сисий ахборотчилар эса доимо дала шийонинда бў-лишди. Пахтакорларнинг дам олиш соатларида улар киизари-ли мазуларда сўхбатлар, ойда-икки марта халқро аҳвол ва экономиканга оид дондалар ҳам қилишляпти.

Яқинда бўлиб ўтган сўхбат-ларнинг бири дохй юбилейига бағишланди. В. И. Ленин яша-ган ва ишлаган жойларга ўтказ-илган экскурсияда қатнашган коммунист Шарофат Худойбер-диева колхозчиларга ўз сафар таассуротларини, дохйнинг ре-волюцион фаолияти ва назарий мероси тўғрисида тўқинлаиб гапириб берди.

Оммавий сисий ишларнинг яқин йўлга қўйилганлиги учун ҳам, колхозда ишлар соз бор-лиги. Уч марта кўндалангига, беш марта узунасига култиваци-я қилинган, уч марта озиқ-лангирлан ва сувга қондириб сугурилган пайкаллар ҳадемай ўз ҳосилни юртга ҳади этади. 1200 гектар майдондаги пахта фақат машиналар билан териб олинади. Ҳозирроқ 50 га яқин терим машинаси тўла ремонт-дан чиқариб қўйилган. Ҳар ма-шинага иккитадан меҳаник—ҳайдовчи бириктирилган. Ме-ханизатор коммунистлардан Ш. Худойбердиева, М. Шомуродов ўртоқлар мавсумда 100 тонна-дан ошириб пахта териб бериш-га сўз бердилар.

Дохй юбилейи шарафига ўз зиммасига шахсий мажбурият-лар олаётган коммунистлар со-ни тобора ошиб бормоқда.

А. ИЛЕСОВ,
колхоз бош агрономи, сисий ташкилотчи.

ЯНА 1500 ТОННА САБЗАВОТ ТОПШИРАМИЗ

Калинин районидagi «Ўзбеки-
стон ССР 40 йиллиги» колхозини
аъзолари Владимир Ильич Ленин
туғилган кунининг 100 йиллиги
муносабати билан бошланб ит-
ган умумхалқ мусобақасига қў-
шилиб, бу йил сабзавотдан юқори
ҳосил етиштиришга эришмоқда-
лар. Кеча колхоз аъзолари саба-
завот маҳсулотларини етиштириш
йиллик планини шараф билан ба-
мардилар. 2300 ўрнига 2310 тон-
на сабзавот топишди.

Колхозда мўл-кўл сабзавот маҳ-
сулотини етиштиришда Кулаҳмад
Нурматов, Мирзахмад Маҳмудов
бошлиқ бригада аъзолари айниқ-
са самарали меҳнат қилаётирлар.

Колхозчилар ўзларининг маъ-
жуд имонийларини ҳисоблаб
чиниб давлатга яна 1500 тонна
сабзавот маҳсулотини сотиш тўғри-
сида қўшимча мажбурият олд-
лар.

К. МИРПУЛАТОВ.

БУ ЙИЛГИ ШАРОИТДА ДЕФОЛИАЦИЯ

Колхозимизда ҳосилдорлик
1954 йилдан то 1963 йилгача
деярли бир хилда бўлган, жо-
йидан қимирламаган, десак бў-
лади.

Шу йил йил мобайнида ҳар
гектар ердан олинган ҳосил 11
—12 центнердан ошмади. Ҳатто
1958 йилда ҳосилдорлик 5 цент-
нерга тушиб қолди. Фақат 1964
йилдан бошлаб бу соҳада ил-
жиш бошланди. Ўша йили 16
центнердан ҳосил олинганда
ҳаммаининг чекрасида қувонч
пайдо бўлди. Шундан кейинги
на колхозчиларимиз ўз кучла-
рига ишона бошладилар. 1967
йилга келганда ҳосилдорлик 30
центнерга етди.

Колхозимизда бундай ўзга-
ришнинг юз беришига, жиддий
синоҳи ҳосил бўлганга деҳ-
қончилик маданияти кўтарилиб
бориши, агротехника тадбирла-
рига қатъий риоя қилина бош-
лагани, ҳаммадан кўра колхоз-
чиларимизни ўз вазифаларини

сидқидилдан бажаради-
ган бўлиб қолганликлари, меҳ-
нат интизоми мустаҳкамлангани
сабаб бўлди. Шу тўғрйли деҳ-
қончилик маданияти кўтарилиди.
Бу йил ҳам колхозчиларимиз
ёмон меҳнат қилмадилар. Йил
бошида 745 гектар ердан 24
ўрнига 26 центнердан ҳосил олиш
олишга аҳд қилган эдик. Ҳозир
даладаги ҳосилнинг чўғи ортқ
30 центнердан ошириб хирмон
кўтариш мумкин.

Маълумки, колхозимизнинг
ер шароити машина билан па-
хта теришга мувола, паст—
баланд қир ерлар. Пахта терим
машиналарининг юрши қийин.
Шунинг учун илоҳи борича терим
агрегатларидан фойдалана-
миз. 1725 тонна пахтанинг
550 тоннаси машинада терилди.
Хўжалигимизда 16 та пахта
териш машинаси, 4 та кўсак
теридиган, 2 та ерга тўкилган
пахтани теридиган, 7 та кўсак
тозалайдиган машина бор. Бу-

лар мавсумга даярли тайёр.

Бизда юқори ҳосил учун ку-
рашиб, дастлабки натижаларга
эришган илгор звенолар кўп.
Ҳайитбой Абдурахмонов, Ме-
дибой Султонов, Иброҳим Алиев,
Тўрабой Турсунбоев бошлиқ
звеноларда ҳар гектар ердан
23—24 центнердан ҳосил олиш
планлаштирилган. Бироқ улар
35 центнер учун курашиб, шу
даражада ҳосил етиштирдилар.

Пахта теримининг муваффа-
қиятли ўтиши дефолиацияни
тўғри ва оқилона ўтказилишига
боғлиқ. Бу иш ниҳоятда позик.
Пахта пишшиш кезиниб кетган
бу йилги шароитда шомма—
шошарлик қилиш билан кўп
нарсани йўқотиб қўйиш мум-
кин. Биз хўжалигимизда чигит-
ни 15 кунда экиб татомлади.
Демак, дефолиация қилиш вақ-
тида ҳам шу муддат ҳисобга
олиниши лозим.

Баъзан, табақалаб дефоли-
ация қиламиз, дейлади. Ваҳо-

ланки, олдин чигит экилган ер-
лар ўртасида кеч чигит экилган
каторлар ҳам бор. Самолётлар
билан бундай каторларни аж-
ратиб табақалаб дефолиация
қилиш қийин. Биз шундай ер-
ларни ОДН билан дефолиация
қиламиз. Олдинги йиллари ҳам
шу тақрибани қилиб кўрган-
миз. Натижа ёмон бўлмаганини
юқоридagi мисоллардан тушу-
ниб олиш мумкин.

Бултур районимизда пахта
тайёрлаш планини олдингилар
қаторида бажарган эдик. Бу йил
ҳам афр ушшоқлик билан иш
лаб, ўз ўрнида йўқотмаслик,
маррага илгарироқ етиб бориш-
га интиламиз. Колхозчилари-
миз юбилей йилида шунга бел
богланлар.

А. ГАФФОРОВ,
Янгийўл районидagi «Пар-
тия Х'2 съезди» колхозини
раиси.

БУЛАР МАВСУМГА ТАЙЁР

БУКА (ЎЗ МУХБИРИМИЗ-
ДАН). Ҳозир барча колхозлар-
да пахта теримига қизин тай-
ёргани қилинмоқда. Ҳамма-
нинг диққат эътибори шунга
қаратилган. Асфальтчи хирмон-
лар ремонт қилишти, йўллар,
кўприклар гузадиллиб, тош-
торлар тайёрланди. Терим
агрегатлари тайёрланди. Ре-
мондан чиқарилган машиналар
қайта-қайта текшириб қўри-
лишти.

Бука районидagi «Ленин-
град» колхозида ҳам ҳаракат
зўр. Терим тадбирлари колхоз-
чилар ўртасида муҳона қи-
линди.

Ишлаб чиқилган тадбирга
кўра, меҳаник—ҳайдовчи
мавсумда 50 тонна пахта тер-
гани зваига одадигача ҳақ ола-
ди. Агар ундан ошарса 1.5
процент қўшимча ҳақ тўланади.
Планини олдин бажарган бри-
гада аъзолари бепул битта гана
оладилар. Бригадалар ўртасида
кўчма қизил байроқ ташкил
этилди. Бу ҳар қўшқик иш яку-
нига қараб берилади. Ҳозир-
ларга Қазим Байроқ би-
лан бир қўй берилади. Терим-

чиларга ҳам иш натижаларига
қараб ҳақ ва мукофот бериш
белгиланган. Теримчилар 10
кунда 1.5 тонна пахта терса,
аглас қўйлак, 2 тонна пахта
терса соат, 3 тонна пахта тер-
са тиқини машинаси олади.

Колхозда бу йил 1800 тонна
ҳосилнинг 1200 тоннаси маши-
на билан терилди. Бу ҳука-
ликда 26 та «ХТ—1.2» ва 2 та
«Ўзбекистон», 7 та кўрак, 8 та
ерга тўкилган пахтани териди-
ган машина бор. Улар даярлик
тайёр.

Бултур колхозимизда пахта
тайёрлаш плани олдингилар
қаторида бажарилди. Бу йил
ҳам планини эртароқ бажариш
ниятида, деди колхоз
раиси Юсуф Мамашоев,—чун-
ки бизда юқимини енгил қи-
диган азамат механизаторлар,
бригада зверо бошчилари бор.
Толиб Қаххоров, Саид Холму-
родов, Сегинбой Турсунов, Жа-
нон Байрамов, Эрмат Дулабоев,
Маматали Жумабоев синга-
ри кишилар қатордаги нори-
миз, юқимиз ерда қолмайди.

Фрунзе номли колхозга бор-
сангиз ҳам механизаторларнинг

МАШЪАЛ БРИГАДА

Ақмад ана бугун ҳам ўрни-
дан барвақт турди. Нафиса опа
қайнатиб қўйган чойни ичиб,
қўрилишга жўнади. Бир-бирига
енди, энди қад кўтарилган ва
фойдаланишга тоширилган уй-
ларга ҳавас билан қаради. Бу
уйларни бунёд этишда озгина
бўлса ҳам ўз ҳиссаси борлиги-
дан қалб қувонча тўлди.

Ундан барвақтроқ келган Ко-
ля Васильев кичик трубаларни,
пайванд қилар, нарироқда эса
Собир Азимов йирилган тупроқ-
роқларни олиб ташлар эди.

— Гайратингиз чакки эмас-
ку, — деди Ақмад ана улар-
нинг ишини кўздан кечириб.
Пайванд қилинган трубаининг
бир жойи чала қолганини кў-
риб, буни пайвандчи таъинла-
дида, ўан ҳам ишга тушиб кет-
ди.

Мана, олти йил бўлибдики,
Ақмад ана 4-қўрилиш бошқар-
масида бригада бошлиғи бўлиб
ишлайди. Ақмад Аҳмедов бош-
лиқ бригада азаматлари водо-
провод ва канализация труба-
ларини ўрнатяпти. Улар кун-
далик ва квартал топириқла-
рини доимо ортгй билан бажа-
ришмоқда.

Бригаданинг гайратли, меҳ-
натсевар ишчиларидан Собир
Азимов, Ақмад Хасанов, Жа-
мил Шойсупов, Коля Васильев
ва бошқалар кундалик норма-
ларини 150—160 процентдан
адо этмоқдалар.

Чилонзор районидagi Герман
Титов номли спорт мактабининг
коллективи бу бригада курув-
чилари ишдан миннатдор.

Беш йиллигининг тўртинчи
йилида бригада аъзолари суръ-
атини кучайтириб, ишнинг си-
фатли бўлишига ҳам катта
эътибор бермоқдалар. Улар-
нинг шу кунлардаги бирдан-
бир ниятлари халқимизга чи-
ройли ва қўлай биноларни тез
битказиб беришдан иборат.

Ҳозирги кунда пешада
коллектив «Главташкентстрой»
га қарашли уй-жойларга водо-
провод, канализация тармоқ-
лари ўтказиш ишларини му-
датидан олдин бажариш учун
самарали меҳнат қилмоқдалар.


М. АСАТОВА.

ЁШ ПАХТАКОРЛАР ХИММАТИ

Янгийўл районидagi Киров
номли колхозининг механизаци-
яланган «Комсомол»-шлар звено-
си ҳар йилгидек бу йил ҳам
пахтадан юқори ҳосил кўтариш
учун астойдил меҳнат қилмоқ-
да. Звено аъзолари ўзларига
қарашли 62 гектар пахта май-
донининг ҳар гектаридан план-
даги 30 центнер ўрнига 32
центнердан ҳосил кўтариш
етиштирилган ҳосилнинг асосий
қисмининг машиналар ёрдамида
териб олиниш планлаштирил-
лар.

Звено деҳқонлари шу кун-
ларда машина теримига ҳам
пахта ҳозирлиги, кўрмоқдалар.
Ўзларига қарашли барча те-
хника кучлари: трицеп ва хир-
монлари тайёрлаб қўйилди.
Улар бу йилги йиним-теримини
қисқа муддатда—20 иш куни-
да тугаллаш юзасидан зима-
ларига оширилган мажбурият
олдилар. Звено бошлиғи Серек-
бой Усмонов «Ўзбекистон» мар-
нали машинада 185 тоннадан
ортқ «оқ олтин» териб бериш
мажбуриятини олди.

А. ХУСАНОВ.



ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ йирик химия корхоналаридан би-
ри—Олмалиқ химия заводи қурилишини лойиҳа этказиш
учун тизинсиз курашилмоқда. Бугунги кунда гигант объект
кузга яққол ташланиб қолди. Бинолар усти ёпилиб, асбоб-ус-
куналар бири-кетини ўрнатилмоқда. Бу ерда юзлаб оташқалб
бунёдкорлар-электр пайвандчилар, монтажчилар, дурдорлар
ва бошқа касб эгалари мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Улар
корхонани муддатидан бир ой илгари—ноябрь ойи охири-
да фойдаланишга топириш учун гайрат кўрсатиляпти. Су-
ратда: Олмалиқ химия заводининг асосий цехлари қурилиши.

О. Абдурахмонов фотоси.



ВАТАН ҚАЛҚОНИ

Эртага—
танкчи-
лар куни

ЖАСОРАТ СОЛНОМАСИДАН

* Танкчилар куни СССР Олий Совети Президиумининг 1946 йил 11 июлдаги Фармони билан Совет Армияси бронетанк қўшинларининг Улуғ Ватан урушидаги, ҳамда танкчиларнинг бронетанк техникасини яратиб соҳасидаги хизматлари-ни ҳисобга олиб таъсис этилган. Бу байрам биринчи марта 1946 йил 8 сентябрда нишонланган.

* Зирқланган воситалар (бронепоездлар, бронемашиналар, танклар) вужудга келтириш тўғрисида В. И. Ленин катта ғамхўрлик қилди. 1918 йил январда унинг қўрсатмаси билан Совет Республикасининг барча броньли қўшинлари бошқарилишининг биринчи марказий органи — Центробронь ташкил қилинди.

* Биринчи енгил танкларни ишлаш В. И. Лениннинг қўрсатмасига биноан Сормово заводи коллективининг эгизмасига юклатди. 1920 йил 31 августда биринчи танк заводи дарвозасидан чиқди. У «Озодлик учун курашчи ўртоқ Ленин» деб номланган эди. Бу танкнинг кетидан яна 14 танк кўздан чиқарилди.

* 1939-1940 йилларда Қизил

Армия Т-34 ўрта танкларини қабул қилиб олди. Иккинчи жаҳон уруши вақтида бу типдаги танклар дунёдаги энг яхши жанговар машина ҳисобланган.

* Танкчиларнинг Улуғ Ватан урушидаги жасорати Ватанимиз томонидан муносиб таъдирланди. 250 минг танкчи орден ва медаллар билан мукофотланди. 104 танкчи-жангчи ушунча Шухрат ордени кавалери бўлди.

* 9 мингдан ортиқ танк саноати ходимлари юксак ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди.

* Урушнинг кейинги уч йили ичида бизнинг танк саноати, фашист Германияси шу вақт ичида ишлаб чиқарган жанговар машиналардан қарийб икки марта кўп танклар етказиб берди.

* Урушдан кейинги йилларда совет танклари янада такомиллаштирилди. Разведка учун ва бошқа вазифаларни бажариш учун сувиб юрувчи танклар яратилди. Совет танклари бир қатор муҳим қўрсаткичлари жиҳатидан АҚШ ва НАТОнинг бошқа мамлакатлари танкларидан устунлик қилади.

ҲАМИША ЖАНГОВАР САФДА

Халқимиз ва шонли Қуролли Кучларимиз 24-март Танкчилар кунини нишонламоқдалар.

Совет танки қўшинлари ленинча Коммунистик партиянинг фарзандидир. Танкчиларимиз ўз мардлик ва маҳоратлари билан Совет Армиясининг зафарлари иқтисоди олин саҳифалар ёзди. Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган жангларда, Польша ва Чехославкия, Руминия ва Венгрия, Болгария ва Югославия халқларининг фашизм зулмида озод қилинишида, Европа ва Осиёдаги халқларнинг империализм асоратидан халос этилишидаги ҳар бир натижа ишқин, бизнинг танк қўшинларимиз ақли ишқин эътибори бўлди. Улар бу жангларда душманга қанчалик зарарлар бердилар.

Юксак қаҳрамонлиги ва маҳорати учун 250 минг танки Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланди. Улардан 1142 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузини кўк сика тақшига муассар бўлди. 16 танки эса бу юксак номга икки марта сазовор бўлди.

Бронетанк қўшинларининг жанговар муваффақиятлари Коммунистик партиянинг танк саноатини ривожлантиришга гавит катта эътибор берганини тўғрисида қўлга киритилди. Улуғ Ватан уруши йилларида бизнинг машҳур Т-34 танкига тенг келадиган жанговар машина йўқ эди. Совет танкчилари урушнинг гавит йили шартинда 95 мингдан ортиқ танк ва ўзгирар артиллерия установа-калари ишлаб чиқариб чинамал жасорат қўрсатдилар. Бу ракам гитлерчилар Германияси саноати ишлаб чиқарганидан 40 мингга кўпдир. Танкчилар ҳуқида биз ақоибий конструкторлар ва танк саноатининг ташкилотчилари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Маллишев, Макаревич, Котен, Морозов ва бошқаларнинг фидокорона меҳнатини мингнатдорчилик билан эслаймиз.

Барча танкчилар қатори бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидида Ленин ордени Ташкент олий танк командирлар билим юрти ҳам Ватан муҳофазаси ишига катта ҳисса қўшди. Унда тарбияланган йигитлар ҳаёт-мамот жангларда гитлерчилар босқинчиларини мардонаворлик билан тор-мор келтирдилар. Жанглардаги қаҳрамонликлари учун билим юртининг 45 талабаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Бу даргоҳдан ақоибий совет лашкарбашлари пеладаси етишиб чиқди. Улар орасида СССР Му-доффа Министрининг биринчи ўринбосари армия генерали Соколов, армия генерали Белобородов, генераллар Бочковский, Курцев, Хохлов ва бошқалар бор. Билим юрти курсантлар ротасининг рўйхатига Ташкент танк билим юртида тарбияланган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Вальдемар Шеландин номли ақоибий эзиб қўйилган.

Урушдан сўнгги давр илмий ва техника тараққиётининг тўғрисида ўсиш билан характерланади. Аммо бу муваффақиятлардан империализмлар эъриб қуролланмиш мақсадда фойдаланмоқдалар. Америка, Ғарбий Германия милитаристлари халқлар аҳолида тангликни вужудга келтириб, янгидан-янг уруш ўчоқлари ошига қаранат қилмоқдалар. Ўқетилмада уруш оловни сўнамётди, Исроил босқинчилари тинч араб халқлари ерини топтамолмоқдалар. Бонн реваншистлари ҳархил қаби-даволар билан қиймоқдалар.

Ана шундай шароитда Коммунист партия ва Совет ҳукумати Қуролли Кучларимизни энг замонавий кураш воситалари билан жиҳозлаш учун ғамхўрлик қилмоқдалар. Танк қисмлари ва қўшинчалари қудратли жанговар машиналар билан таъминлендилар. Бизнинг совет танкчиларимиз маневрчан, улар учун ўтиб бўлмайдиган жойнинг ўзи йўқ. Бу танклар ишончли броньли қимозга, қудратли артиллерия ва отиш қуролларига эга. Улар ядро ва термоядро қуроллар ҳамда бошқа ялли киргиз қуроллари қўлланилган шароитда ҳам муваффақиятли қаранат эла оладилар.

Жангда ана шундай эъри ва мураккаб техника билан қуролланган бўлиналар ҳамда қисмларини бошқариш учун юқори малакали мутахассислар—инженерлик билимларига эга бўлган офицерлар керак. Бизнинг билим юртимиз ана шундай офицерларни тайёрлайди. Ташкент олий танк билим юртини битириб чиққанлар офицерлик логини билан бирга инженер дипломини ҳам оладилар.

Танкчилар кунини ва қадрдон билим юртимизнинг 51 йиллигини курсант ва офицерлар жанговар ва сиёсий тайёргарликка юксак қўрсаткичлар билан кўтиб олмақдалар. Билим юртида улуғ Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақа ани олдирилди. Шонли юбилей олдидан курсант ва офицерлар янги муваффақиятларини қўлга киритиб, ҳарбий маҳоратининг юксак марраларини эгаламоқдалар.

Яқинда билим юрти танкичи офицерларнинг янги отрядини тайёрлаб берди. Уларнинг кўплари матнели дипломлар олдилар. 25 энг яхши талаба номи билим юртининг Фахрий мармар тақсига ёзилди. Улар орасида лейтенантлар Жамоллов, Улуғбеков, Буоров, Караванов, Соликовлар бор.

Билим юртида жанговар ҳаёт қайнамоқда. Курсантлар ҳарбий билимларини пухта эгалламоқдалар. Социалистик мусобақа илгорлари полковник Умаров, полковник Шулгин, Ленин стипендиати курсант Хренов, М. В. Фрунзе стипендиати стипендиати курсант Панков дохир юбилейига муносиб совга тайёрламоқдалар.

Билим юрти Тошкент корхоналари, шаҳар атроф колхозлари меҳнат ақли билан оталиқ алоқалари болган. Танкчилар ҳузурига ишлаб чиқариш илгорлари, дала меҳнатқиллари келиб турдилар ва курсантларга меҳнат зафарлари ҳақиде хикоя қилиб берадилар.

Ўз назабига офицерлар ва курсантлар мактабларда катта ҳарбий-баталларлар ишлари олиб бормоқдалар, ёшларни социалистик ватанини ҳимой қилиш юзасидан муқаддас бутанини бажаришга тайёрламоқдалар.

Танкчиларнинг шонли байрами кунинда урушнинг кекса ветеранлари ҳамда ҳозир жанговар вахтада турган уларнинг ўринбосарларини қизгин табриклиймиз.

В. ДЕМЧЕНКО,

Танк қўшинлари генерал-майори, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидида Ленин ордени Ташкент олий танк командирлари билим юртининг бошлиғи.

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

ЎҚЛАРНИ АЛМАШГАНДА

— Жангчи Юсупов, сиз отган ўқлар нишонга тегмади. Хатоингиз нимада?
— Ўқларимни дўстим билан алмашган эдим. Балки унинг нишонини қидириб кетгандир...

КУН ТАРТИБИ

— Кун тартибининг яхши биласизми?
— Албатта. — 8-у 30 да но-нушта, 15-00 да тушлик, 19-00 да эса кечқурунги овқат.

ТУХТАТИШ КЕРАК

— Ҳаракатдаги нишонни пойлаш учун қандай усул қўлай-сиз?
— Аввал уни тўхтатишга ҳаракат қиламан.

ТАРТИБНИ САҚЛАЙМАН

— Сафланиш тартибини бузганимиз учун битта навабдан ташқор нарядингиз бор. Тўғрими, ўртоқ Сафаров? — сўради старшина.

— Тўғри-ку, аммо бир марта тартибни бузганим ҳам етар, энди нарядда наваб билан боришни мўлжаллаб турибман.

ГУЛНОРАНИНГ ХАТИ

— Сафарали, сен бугун «тўсиқ йўлакчасини» жуда тез ўтдингми?
— Ўйласам-чи? Командир Гулнораддан келган хатни қўлида ушлаб турган эди-да!

Тўғрими А. ЮНУСОВ.



ОДИЙ жангчи Евгений Паша танкни жуда қисқа муддат ичида ўқлай олиши билан бўлима жангчилари орасида ҳаммага намуна бўлмоқда.



ЖАНГОВАР ва сиёсий тайёргарлик аълочили, танк навод-кисчи П. Германас.

КУРСАНТЛАР

Совет Қуролли Кучлари ўзининг бронетанк қўшинлари билан ҳақли равишда фахрлан-ди. Замонавий ўт очиш қурол-лари билан жиҳозланган танк-ларимиз шундай тақомиллаш-ганки, уларнинг йўлини на қу-руқликдаги тўсиқлар-у, на ўтиб бўлма-даре-қўллар тўсиб қола-олади.

Қудратли техникани бош-қариш бир қарашда осондек кў-ринса-да, унинг ўзига яраша талайгина қийинчиликлари бор. Моҳир танкичи бўлиш учун жангчи, билимли, кучли, иро-дали, мард бўлиш лозим. Бу-ни ўз тажрибамда синаб қў-йилман.

Билим юртимизда турли мил-лат ёшлари ўқишади. Бизлар ҳам барча совет халқлари ка-би доҳиймиз туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кўтиб олиш мақсадида, ўз сиёсий би-лимимизни оширишга, ҳарбий техника сирларини пухта ў-лаштиришга аҳд қилганмиз. Тажрибали ўқитувчи-командир-ларимиз Комальчук, Дюнаров ва бошқалар ўз билим ва маҳор-атларини кунг ва сабот билан ўргатишади.

Шонли сана муносабати би-ла бошланиб кетган социалис-тик мусобақада курсантларим-издан Жариков, Миргород, Шуринов, Ём набилар пешча-дамлик қилишапти. Мана уш-ундайли, улар фақат аъло ба-ҳо-ларда ўқийоти. Яқинда ўт-назилган энг тайёргарлик ма-шқларида В. Богатирев, А. Кознов, И. Федорченколар ҳам билим юрти машғаллари сафи-дан ўри олишди.

Биз асосий эътиборни так-тик машғулотларга қаратамиз. Шунинг билан бирга икки-кой фанлар олий математика, материаллар қаршилиги, ҳамда танк ва автомобиллар тузили-шини ҳам ўрганаймиз. Чунки

А. ГУСЕВ, курсант.

ОШПАЗ

— Тушликка бугун қандай овқат бўларкин? — деди ёни-даги дўстага қорачадан келган, зуваласи пишми жангчи.
— Қизимсан дўстим, Ёқуб-жон билан Зокиржонлар қан-дай таом тайёрласалар ҳам қийинга етказишади-ку!

Чиндан ҳам ҳар иккала ош-паз қисқадагиларнинг хўрмат-эътиборини қозонишди. Бирон-куи йўқки, уларнинг пишпирган таомлари кўпчиликка манзур бўлмасин. Игитлар фақат ма-зали овқатлар тайёрлаш билан

Т. УСМОНОВ, оддий жангчи.

СОЛДАТ ИЛҲОМИ

КИТОБЛАР

Тоқчада китоблар қатор ва қатор, Ёшгит зиналар каби турар паст, баланд, Унда умрларнинг чўнг мазмуни бор. Ҳам ўтлар қалбларнинг меҳри пайванд, Ундан эшитилар қўлларнинг доди, Темур қилиқининг жаранги тирик. Чорасиз ошқалар оху фарёди,

Қўз ёшлар сатрда маржомдек тизик.

Кимдир армоқини унга битибди, Кимдир юлдуз сирин этибди беён. Хар ким топганича ганж беркитибди, Токи хору зорлар қўрсасин қатор... Тоқчада китоблар қўрсасин на қатор, Зинапол янглине турар паст-баланд. Шу зинаполлармасин, бизни кўтарган


Асрий елкасида, офтобга қадар!

ТОҒ ВА ЧўЛЛАР ЎЛКАСИ

Тоғ тубида меннинг масканим, Бир томон чўл ўфқига туташ. Шу тўғида улғайган танзим, Баъзан қўрсаб, кўнглим бўлар ғаш. Равоч излаб, ахтариб қаккиля, Тунда тоғда тунаб қолганман. Балки шунда содиқ ўғилдек, Ишқинг қалбга жойлаб олганман.

Баҳор пайти чўл ислди гўлам, Кезар эдим оқпоғиғача то. Шунда кўрдим кенг анан дунё, Ёшқ қозон эмас осмон ҳам. Қўрдим, дарё тоғдан сув ғамлаб, Чўл бағрига сингар, яшатар. Ният эддим, меҳримни жамлаб, Булоқ қилай, исчим ташналар. Булоқ бўлсин, умрим ҳам эзгу, Шу ўй меннинг қалбимда ёлғиз, Армонларим бўлмайди сўзсиз, Орузларим чўл каби чексиз...

Назирдин МУҲАММАДИЕВ, солдат, Н-қисм.



ТАНКЧИЛАР «хўжум»га ў-дилар. Даладаги тақтин маш-қлари Н-қисм элчилари му-ваффақиятли бажарди, «аъло» баҳо олишга сазовор бўдилар.

А. Асанов фотолари.

Саҳифа

№ 43



Обилстимиз
БУЙЛАБ

Янгиликлар,
хўшхабарлар,
воқсалар

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР
ҲИММАТИ

Ангрен шахридаги маркази
техника заводи моҳитани илмий
асосда ташкил этишга кўчиб, ли-
тданлиги ютуқларни кўлга ки-
лтиришда, айниқса, рационали-
зорларнинг қўшатиш улуши
салмоқли бўлган. Биргина электр
чеки мастери Боймуконев, энди-
затор чеки ишчиларидан Н. Юш-
ин, Н. Уларик ва Б. Коронин
уртотларнинг ишлаб чиқаришга
қўйган таъсирини даража-
нинг 85 минг сум маблағини те-
лаб қилиш мисолини берди.
А. КУКНОВ.

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

Ленинча меҳнат вақтида ту-
риб ишлаётган Янгиёул сут заво-
ди меҳнатчилари шонли санс-
муносабати билан социалистик
муносабатни олиб олдириб юбо-
ришди. Меҳнатчилар йил бо-
шидан бери 978 минг сўлик су-
лахсулотлари етказиб бердилар.
Қорқоғида янги йилининг иш-
га туширилиши туфайли планда-
гашири соатига 1000 ишчида-
эртиқ сут идишларга қўйилмоқда.
Шунингдек, термоларнинг кел-
гайтирилиши мақсадига мақсу-
лот ишлаб чиқариш ҳам биринчи
орда.
Эриштирилган муваффақиятлар-
да А. Бозлов, Э. Булоа, Е.
Марташлов каби корхона маъна-
ларининг қўшатиш улушлари
салмоқли бўлмоқда.
А. ЛИПОВА.

САНЪАТКОР ОИЛА

Дорбоз Қосимжон Абдуқодир-
овнинг ақолий санъати билан
қўлчилини маъруф этган. Янги-
да Тошкент эстрада театри со-
стаида гастролга чиққан Абдуқоди-
р оловлар гуруҳи Ангрэн шаҳри-
да, Қорахитой қишлоғида бўлиб,
ақоли орасида ўз санъатларини
намоиш қилдилар.
Томошабинлар айниқса Эркин-
лон билан турт пилар Хошимжон-
ларнинг ақоли устида кўрсатган
уйғунлигини қизгин қарчилар бил-
ан кўриб олишди. Шунингдек,
қизилчиларнинг санъати ҳам
қўлчилини манзур бўлди.
Х. ТОҶИБОВ.

УНИВЕРСАЛ
МАКТАБ

Троица қишлоғида кичкин-
тойларга иш уришни янги ма-
таб билиши соғи қилинди. Мак-
таб замонавий ўқув муҳитлари
билан жиҳозланган 15 кабинетга
эга.
— Мағсури Яил бундай мақсу-
спорт зал, ошхона, лаборатория-
ларга эга бўлган мактаблар сон-
ида кўпайди, — дейди шаҳар
маориф бўлими мудири Расул Фу-
ломов. — Жумладан, трансфор-
матор заводи, темир-бетон кон-
струкциялари комбинати яқинида,
«Юмалок» районида универсал-
мактаблар ишга туширилади.
Т. СИХАРУЛИДЗЕ.



ОЛМАЛИҚ мебель фабрикаси
ишлаб чиқараётган турли хил ме-
беллар аҳолига манзур бўлмоқда.
Суратда фабрика тайёрлаган янги
мебель комплекти.
М. Нуриддинов фотоси.



МЕРГАНЛАР РЕКОРДИ

Чирчиқ шаҳри яқинидаги
ДОСААФ отиш жойида мерган-
лар бунга Ўзбекистон шахсий-
команда биричилиги ўтказил-
ди. Республиканинг ҳамма об-
ластларидан келган 96 мерган
бу ерга йиғилган эди.
Улар орасида тошкентлик
спорт мастери Петр Конусев
аъло натижага эришди. Ҳам-
шахримиз Ўзбекистоннинг ик-
кита янги рекордини қўлди, У
ПВ—3 мешида 227 очко, ПВ
— 4 мешида 456 очко тўплади.
Бу иккала кўрсаткич спорт

КўРКАМ дов-
рахтлар билан ўралган
бу чаманзор қайси ша-
ҳар ё қишлоқнинг гу-
зал хибобни экан деб
ўйлаётгандирсиз. Ҳа,
ажабланманг. Тобора
камол топаётган қиш-
лоқларимиз кўрки ҳам
шаҳарда қолтирмай-
ди. Бу оромбахш па-
фис манзара Янгиёул
районидаги Ҳамроқул
Турсунқулов номи
колхозда бунёд этил-
ган.
А. Абалли
фотоюди.



ИССИҚ КЎЛ

Бунда чопқир тўқиллар
эрир,
Бошим узра шохлар солбон.
Қўлдан олиб илҳом ва
хузур,
Ўлтирибман қалбда ҳаяжон.
Сувда терак акси қимирлар,
Тик туриб сеч ўрган
қизми, ё?
Тог чўқисин каби бинолар
Мўралиди дархтлар аро.
Қўрак кериб сузишар
ғозлар,
Афсонавий оққушлар аялган.
Найзаландир баҳорлар,
ёшлар,
Ранг дунёсини чегараси йў.
Аммо
Қўзининг ўзағидир файзи,
Қомбайиллар...
Қабарик хирмон...
Тўқиллики, ҳаёти етмайди,
Соатдан кун ҳосил бўлади

Сўйибой ЭРАЛИЕВ
(Қирғиз шоири)

Асрларга қуялар қорини,
Тўқиллар-чи, сўрон солади,
Евош қирғоқ билан
тортишиб,
Қўл қатрига тош ғиртаман,
Қўзалади галайи ҳай-ҳай,
Қўиларга из солиб ўтаман,
Текис қумда изим яради.
Қоронғилик тунар оғ-
та,
Марвариддай жипитилар
қўл,
Дутор сайраб олис-олисида
Жон зотини қилмоқ бўлар
сел.
Ярим кеча,
Яширинди ой,
Қўл юзига ёйилди туман.
Ерим билан хайралишгандай
Қайта-қайта орта қарайман.
Юсуф ШОМАНСУР
таржимаси.

ОЛИЖАНОВ КИШИЛАР
ЁНГИН БИЛАН ОЛИШУВ

170-разъезд ҳам орта қол-
ди. Тошкент-Қўнғирот маршру-
тида қатнайдиған пассажир по-
езди график бўйича йўлни да-
вом эттиради. 4-вагонда ўз иш
билан банд бўлиб ўтирган
электр механиги А. Галеев қа-
ердангир резина ҳиди аниқ-
ганини сезиб, хушёр тортиди.
У ёнғирини, вагонини сичкилаб
қўздан кечирди. Ҳамма нарсас
жойида.
«Нима ёнапти экан» қўн-
гидан ўтказди у ва бу ҳақда
бешинчи вагон провозидаги Гу-
ломовга айтди.
— Электр сичи бўдас керак,
— деди Гуломов ва зудлик бил-
ан вагонини қайта текшириб
чиқишга киришди.
Ҳарқалай, унинг гумони тў-
ри чиқди. Тезлик билан қўн-
гидан



А. ПАРИМОВА.

ИЛОНЛАР УЧУН... ИНКУБАТОР

Маълумки, илон азалдан бе-
ри медицина эмблемаси сифа-
тида хизмат қилиб келади.
Унинг заҳари қанчалик ҳафли
бўлса, шунчалик қимматли
ҳамдир. Мисол учун гюрза за-
ҳари жаҳонда барча илонлар
ўртасида энг кучли ва энг
ноёби ҳисобланади. Ундан қон
тўқатишда энг яхши дори си-
фатида фойдаланилади.
Фрунзадаги зоология комби-
нати ахурида мамлакатда
илон ҳисобланган лаборатория
бор. У ерда фармацевтика са-
моати учун илон заҳари йнги-
лади. Илон заҳарини тўловчи
кишиларнинг меҳнати осон
эмас. 5 грамм заҳар олиш учун
400-500 илонини қўлдан ўтка-
зиш керак. Илон тутувчилар-
нинг меҳнати эса заҳар оловчи-
ларнинг ваифасидан мураккаб
бўлса мураккаби, осон эмас.
Зоология комбинати штатли
илон тутувчиларга эга. Улар
қўл бебон ва тоғларда ойлаб
оун қилишади.
Илон болаларини кўжалар
сингари инкубаторда очирши
ва шу йўл билан қўпайтириш
мумкин эмасмики? Гюрзадан
насл олиш жуда мураккаб иш.
Вашарти насл олганда ҳам ёш



В. Литанков фотоси.


ИБРАТЛИ ҲИКОЯЛАР

ЯХШИ КАЙФИЯТ БОИСИ
Сўқротдан бир шоғирди су-
рабди:
— Сени ҳеч вақт хафа бўлиб
юрганингни кўрмаганман. Дои-
мо кайфиятинг яхши бўлади.
Бунинг боиси нима?
Сўқрот жавоб берди:
— Сабаби шунки, менинг
йўқотганимда хафа бўлиб юра-
диган ҳеч нарсам йўқ.
КИШИНИК ОИНА
Бир аёл Сўқротдан сурабди:
— Бунча бадбашарасана,
Сўқрот?
Сўқрот дебди:
— Агар тоза ойнадек ҳақи-
қатининг айнаи ўзини акс этти-
раганимда сендан хафа бўлар-
дим. Лекин, қийишқ ойнадан
хафа бўлишининг ўрни йўқ: у
тўғирини ҳам эгри қилиб кўр-
сатади.
КИМ КУЧЛИ?
— Сенинг шохдан фарқинг
нима? — деб сурашибди бир
файласуфдан.
— Шундаки, — жавоб бери-
ди у, — ҳумқдор ўз ҳисрларин-
инг кулидир, мен эса улар-
нинг ҳумқдориман.
ИККИ ЙЎЛ
Афлотундан сурашибди:
— Қулфатга дучор бўлган
одам ўзини нима билан ювти-
ши мумкин?
— Ақлли одам қулфатнинг
рўй бериши муқаррар эканли-
гини ўйлаб, хотиржам бўлади.
Ахмоқ эса бошқалар ҳам шу
қулфатга дучор бўлдилар-ку,
деб ўзини ювтади.
КИМ АҚЛЛИ?
Бир файласуфдан сурашиб-
ди:
— Ақлли одам деб кимни
айтиш мумкин?
— Эришиш мумкин бўлган
мақсадга интилган — ақлли-
дир, — дебди у.
ҲАСАДЧИНИНГ ШҒРИ
Арастудан сурашибди:
— Нега ҳасадчилар доим
хафа қўринишади?
— Шунгаки, уларга фақат
ҳасаднинг алами эмас, балки
бошқаларнинг яхшилиги ҳам
тинчлик бермайди.
АҲМОҚЛИК БЕЛГИЛАРИ
Афлотун бундай деган экан:
Ахмоқнинг икки белгиси бор.
Биринчидан, унинг сўзларидан
ҳеч бир кимса фойда топпайди.
Иккинчидан, у бошқалар-
нинг ишига доим аралашади.
ИЛҲОМ СУЛТОНОВ
таржимаси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ИССИҚКА ЧИДАМЛИ
ҚОҒОЗ
Одий қоғоздан ишланган
китоблар тропик мамлакатларга
тушиб қолса, юқори температу-
ра ва катта намлик оқасида
пишиб тез орада ишдан чиқа-
ди. Қоғоз илмий-текшириш ин-
ститутида иссиқликка чидамли
қоғоз хили яратилди. Целлюло-
за қўшилган антисептик қоғоз
хоссаларини анча яхшилаш
маълум бўлди. Тропик мамла-
катларга қатновчи немага солиб
юборилган янги қоғоз китобла-
ри бузилмай қайтиб келди.
Ҳозир институт ходимлари
учинчи Катта Совет энциклопе-
дияси учун ишлатилган ана
шундай қоғозни қайта текши-
рувдан ўтказмоқдалар. Янги қо-
ғоз оқлиги, пишми ва кўлга чи-
дамлилиги билан фарқланади.
«АНТИМОЛЬ»
Нафталин, ёнғоқ барги ва
баъзи бир бошқа нарсалар я-
ғаридан куя қалаламга қарши
куралда ишлатилиб келинади.
Аммо булар кўпинча ахши са-
мара бермайди. Қапалак бир-
куймас, бир кун кийим, гилам
ва бошқа нарсаларни «еб» қў-
яди. Бу уй бекаларини ортиқча
ташвишга солади.
Яқинда Ватанимиз пойтахти-
да «Антимоль» деган препарат
ишлаб чиқилди. У қапалаклар-
нинг кўп турларига қарши узоқ
вақт давомида кураша олади.
Янги препарат тез орада мага-
зинларга чиқарилади.
Қ. АХМЕРОВ,
инженер,
Москва шаҳри.

РАССОМ
ТАБАССУМИ



ИШЕҚМАС: — Алло, алло,
секретарисиз, айтиб қўйинг, ме-
нинг бир ҳафтага бюллетеним
бор...



ОНА: — Келинг, сизга ким ре-
рак?
ШАҲАРДАН ҚАНТГАН
ЎГИЛ: — Вой, ойна, мен манку...



ОНА: — Вой ўлай, Эдиккима-
га нима бўпти?
ОТА: — Ўл бўпти, дард бўпти:
нима бўларди, эрталаб берган ўн
сўминига маст бўлибди...



— Сизда жемпер борми?
— Секирроге, миллионер эши-
кы қолади ҳам деймиз-а.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ
Театр
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
9.55 — Кўрсатишлар програм-
маси.
Ўзбек тилида: 10.00 — «Орзу»
программаси (қўйилар учун),
10.40 — Цирк, томошалар, 11.20
— Соғлом танда — соғ айл («Ше-
лик» студияси).
12.00 дан — Москва кўрсатди.
ТОШКЕНТ КЎРСАДАДИ
16.55 — Кўрсатишлар програм-
маси, 17.00 — Телеингидилар
(рус тилида).
Ўзбек тилида: 17.10 — «Бойче-
чан» программаси (болалар учун),
17.40 — Жасур тоёқон (болалар
учун телефильм), 18.00 — Эстра-
да шинавадилари учун, 18.50 —
Телеингидилар, 19.05 — «Ўзе-
бистон қоравдери» программаси,
19.55 — Кўрсатишлар программа-
си.
20.00 дан — Москва кўрсатди.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
15.00 дан — Москва кўрсатди.
ТОШКЕНТ КЎРСАДАДИ
Ўзбек тилида: 20.00 — Михаил
Фрунзе ҳақида ҳикоялар (кино-
фильм), 20.20 — Ренлама, 20.30 —
Ўзбекистонда киргиз адабиёти ва
санъати декадаси.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
18.00 дан — Душанба кўрсата-
ди.
НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРИДА — Ўзбекистонда
киргиз адабиёти ва санъати дека-
даси — 13/IX да Манас.
ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IX да
Айрамолин, 14/IX да Парвона.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —
Венер ва Совет цирки артиста-
ларининг гастроллари.
«ПОЛИТОДЕЛ» КОЛХОЗИ
МАРКАЗИ СТАДИОНИДА
18 сентябрь кеч соат 6 да
«ШАХТЕР» (Қарағанди) —
«ПОЛИТОДЕЛ» исмандалари
ўртасида
ФУТБОЛ
Ўзбекистон Компартияси Маркази
босмақонаси
Тошкент шаҳри
Б — 2366. ИНДЕКС — 4484
Р. 01730